Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 188 (8178). ● 4 октябрь, 1983 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

## ҒОЛИБЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1983 йил сентябрь ойи олтинчи беш кунлигида давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:**

**Тошкент области.** Бу область пахта тайёрлаш планини 33,18 процент, шу жумладан машина терими планини 24,04 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг 16,08 процент ўсишини таъминлаган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Сурхондарё область Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз.** Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 46,41 процент, шу жумладан машина терими планини 47,77 процент бажарган ва ингичка толали пахтани ҳам ҳисобга олган ҳолда беш кунликда пахта тайёрлашнинг 18,93 процент ўсишини таъминлаган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Навоий область Қизилтепа районидаги «Партия XXII съезди» колхози.** Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 50,10 процент бажарган ва ингичка толали пахтани ҳам ҳисобга олган ҳолда беш кунликда пахта тайёрлашнинг 17,40 процент ўсишини таъминлаган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган.

**(Давоми учинчи бетда).**

# ПАХТАЗОР—ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОММУНИСТЛАРИ ВА КОМСОМОЛЛАРИГА, ЭРКАК ВА АЁЛ КОЛХОЗЧИЛАРИГА, ЭРКАК ВА АЁЛ ИШЧИЛАРИГА, МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА, АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИГА, СТУДЕНТЛАРИ ВА ЎҚУВЧИЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

# М У Р О Ж А А Т И

Азиз ўртоқлар!

Беш йилликнинг учинчи йили тугаб бормоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари бу йилни партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларини рўёбга чиқаришда янги муваффақиятлар билан нишонламоқдалар. Республика пойтахти—икки минг яшар Тошкент ўзининг кўп миллатли оиласи жангларда ва меҳнатда кўрсатган коллектив жасорат учун Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди. Ҳар биримиз бу мукофотни ҳаққоний ифтихор туйғуси билан қабул этдик. Ҳозир биз беш йилликнинг марказий йили планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришга, янги йилга — Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган йилга муносиб равишда қадам қўйишга азму қарор бериб, ғайрат-шижоатга тўлиб-тошганмиз.

Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, меҳнаткаш зиёлилари иш суръатларини кучайтириб, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаб, меҳнат унумдорлигини, иш самарадорлиги ва сифатини оширишнинг тобора янги-янги резервларини қидириб топиб, ишлаб чиқаришга хизмат қилдирмоқдалар. Чунончи, республика саноати тўққиз ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам ўз ютуқлари билан қувонтирмоқдалар. Улар Озиқ-овқат программасида ўртага қўйилган вазифаларни, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг йўл-йўриқлари ва тавсияларини турмушга татбиқ этиб, дон етиштиришни кўпайтириш учун фидокорона курашмоқдалар, сабзавот-мева, узум, полиз маҳсулотлари, қоракўл тери, пилла етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан, деҳқончилик маҳсулотларини мамлакатнинг саноат марказларига етказиб бериш юзасидан белгиланган топшириқларни анча ошириб бажардилар. Гўшт, сут ва тухум тайёрлаш илдам суръатлар билан давом этмоқда.

Шу кунларда пахтакорлар зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Сурункасига уч йилдан бери республика хирмони олти миллионли маррага кўтарилмоқда. Бу йил ҳам Ўзбекистон меҳнаткашлари шу эзгу марранн эгаллашга, тайёрланадиган пахтанинг сифатини анча оширишга, унинг таннархини камайтиришга, пахтачиликнинг рентабеллигини оширишга сўз берганлар. Олтин қўлли пахтакорлар етиштирган «оқ олтин» бутун совет халқининг шон-шуҳрати ва ифтихоридир. Пахта саноатнинг нони, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун бебаҳо хом ашёдир, бинобарин қардош республикаларнинг, социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатларнинг корхоналари унга мунтазирдир.

Совет кишиларининг коммунистик қурилишдаги ютуқлари, уларнинг ленинча дўстлиги, жипслиги ва мустаҳкам ҳамдўстлиги, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ўсиб бораётганлиги империалист доираларга тинчлик бермаяпти.

АҚШ ва НАТО корчалонлари халқаро ишлардаги кескинликни кучайтириб, қуролланиш пойгасини авж олдириб, қандай қилиб бўлмасин СССРдан ҳарбий устунликка эркшишга, Вашингтоннинг дунёда ҳукмронлик позицияларини таъминлашга уриниб кўришга интилмоқдалар. Аммо уларнинг урушқоқлик билан қилаётган даъволари совет кишиларининг метиндек жипслигига, бизнинг фидокорона ишимизга дуч келиб чилпарчин бўлмоқда.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг баёнотини қизғин маъқуллайдилар ва якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар, бу баёнотда АҚШнинг ҳозирги урушқоқлик йўлига тўла-тўкис ва атрофлича баҳо берилган, КПСС билан Совет давлати ташқи сиёсатининг қатъийлиги ва изчиллиги, инсонпарварлиги ва тинчликсеварлиги намойиш этилган. Меҳнаткашларимиз янги уруш оловини ёқувчиларни фош этиб, бундан буён ҳам биринчи галдаги хўжалик-сиёсий вазифаларни амалга ошириш учун сабот билан меҳнат қилаверадилар, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлайверадилар, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашдаги куч-ғайратларини кўпайтираверадилар.

Республикада яшовчи ҳар бир киши ҳозир Ватанга камида олти миллион тонна «оқ олтин» беришдан иборат ўз ватанпарварлик ва интернационал бурчини алоҳида масъулият билан ҳис этиб турибди. Бизнинг бутун фикри-зикримиз ва муддаоларимиз шу мақсадга қаратилган.

Ҳозиргача пахтанинг учдан бир қисми далалардан териб олинди, унинг сифати юқори баҳоланди. Бунга осонликча эришилгани йўқ. Баҳордаги ёмғир ва дўллар, ёздаги жазирама иссиқ ва гармселлар, ғўзанинг ўсиш давридаги ҳароратнинг ҳаддан ташқари кўтарилиб кетганлиги «оқ олтин» учун жангда оғир синов бўлди.

Бироқ республика деҳқонлари мардлик ва ваъдага вафодорликни, юксак уюшқоқлик, сабр-матонат, тажриба ва меҳнатсеварликни об-ҳаво инжиқликларига, табиий офатларга қарама-қарши қўйдилар.

Юксак мажбуриятларни бажариш учун бемалол етадиган мўл-кўл ҳосил етиштирилди.

Аммо ҳосилнинг кўп қисми ҳали далада ётибди. Эрта-индин об-ҳаво айниб, ёмғир ёғиши, совуқ бошланиши, қор тушиши мумкин. Ҳосилни имкони борича тезроқ териб олиш, очиқ келган ҳар кун ва соатдан ғоят унумли фойдаланиш—ҳозир республикадаги ҳар бир кишининг энг муҳим ва энг масъулиятли вазифасидир!

Беш йилликнинг марказий йилида мўл пахта хирмони учун курашда биз КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг, мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг баракали ёрдамини, оталарча ғамхўрлигини ҳар қадамда сезиб турибмиз. Шу боисдан ҳам теримдаги юксак меҳнат қаҳрамонлиги ҳаммамизни қувонтиради. Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг ҳамма областлари Тошкент технологиясини сабот билан жорий этиб, ҳосилни фидокорлик билан териб олмоқдалар.

Етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда териб олиш ташаббуси билан майдонга чиққан Тошкент областининг механизаторлари—дала гвардиячилари юксак иш унумига эришмоқдалар. Ғиждувон, Шофрикон, Гурлан, Хонқа, Бўка, Ленинобод, Элликқалъа, Ангор, Ленинград, Ленин йўли, Оққўрғон, Бувайда, Ленин районлари ва бошқа кўпгина районларнинг анчагина хўжаликлари пахтакорлари аъло даражада, коммунистчасига ишламоқдалар.

Бироқ об-ҳаво имкон берадиган очиқ кунларда ҳосилни йиғиб-териб олмоқчи бўлсак — ҳозирги суръатлар ҳали етарли эмас. Ҳозир пахтазордаги куч-ғайратни икки ҳисса, уч ҳисса ошириш жуда муҳимдир. Пахта тайёрлаш суръатларини кескин ошириш — ҳозирги бош вазифадир. «Оқ олтин» теримида андаккина сусткашлик минг-минглаб кишиларнинг ҳосил учун курашдаги қаҳрамонона куч-ғайратларини пучга чиқаради. Ана ўшанда ҳозир бой берилган бирон кун ва соатни орқага қайтариб бўлмайди.

Терим фронтидан ҳар куни олинаётган маълумотлар маҳлиё бўлиш ва хотиржамлик учун ҳеч асос бермайди. Бир қанча область ва районлардаги пахта тайёрлаш суръатлари жиддий ташвиш туғдирмоқда. План ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун ҳамма жойда энг зўр қатъият ва ишчанлик, матонат ва маҳорат кўрсатиш, техникадан ва одам ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини жорий этиш, жамики мавжуд резервларни ишга солиш зарур.

Беш йилликнинг учинчи йили пахтаси учун бошланган жангнинг шу ҳал қилувчи кунларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республиканинг барча коммунистлари ва комсомолларига, эркак ва аёл колхозчилари, ишчиларига, механизаторларига, агросаноат комплексининг раҳбарлари ва мутахассисларига, студентлари ва ўқувчиларига, барча меҳнаткашларига мурожаат этиб, бу йилги қийинчилик билан етиштирилган мўл ҳосилни териб олишда жонбозлик билан қатнашишга, пахтазорлардаги шахсий ғайрат-шижоатни кучайтиришга чақирадилар.

«Биз ҳаммамиз ҳозир пахтакорлармиз!» деган сўзларнинг ватанпарварлик маъносини чуқурроқ англаб олиш, «оқ олтин» теримида қалб амри билан бевосита ёрдам бериш, ҳар бир колхоз ва совхознинг, ҳар бир район ва областнинг мажбуриятларини бажаришни жадаллаштириш, ўтган йиллардан қолган қарз бўлса, уни тугатиш — ҳар бир кишининг шон-шараф ва виждон ишидир.

Биронта хўжалик ҳам беш йилликнинг тўртинчи йилига — республика билан Ўзбекистон Компартиясининг шонли юбилейи йилига қарздор бўлиб кирмаслиги керак!

Бунинг фақат битта йўли бор. Республикада яшовчи ҳар бир киши ҳосилнинг тақдири учун шахсан масъул эканини англаб олиши ва буни чуқур ҳис этиши лозим.

КОММУНИСТЛАР, КОМСОМОЛЛАР! Биринчи бўлиб пахтакорларнинг сафларида туриш, энг қийин участкаларда пешқадам бўлиш, одамларни руҳлантириш — бизнинг фахрли бурчимиздир. Қўл теримида ҳам, «зангори кема»ларни ишлатишда ҳам, пахта ташиш ва қабул қилишда ҳам, партия, совет ва хўжалик раҳбари, пахта конвейерининг ташкилотчиси юксак лавозимида ҳам фидокорлик намуналарини кўрсатингиз! Терим кампаниясини тезроқ ва сифатли туғаллаш, мажбуриятларни бажариш масалалари ҳозир ўтказилаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида бош масалалар бўлмоғи лозим. Ҳозир ҳар бир партия ташкилоти ишчанлик ва сиёсий етуклик синовидан ўтади. Мана шу имтиҳондан шараф билан ўтмоқ керак.

ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ОРГАНЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ! Ҳосил теримида ташкилотчилик ва сиёсий иш савиясини оширингиз, социалистик мусобақанинг юксак таъсирчанлигига эришингиз, энг яхши пировард натижаларни, энг юксак меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун идеология ишининг форма ва методларини такомиллаштирингиз. Механизаторларга, теримчиларга, барча далада ишловчиларга эътибор ва меҳрибонлик қилиш, юксак унум билан меҳнат қилиш учун уларга энг қулай шароитларни яратиб бериш сизларнинг бурчингиздир.

КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРНИНГ, БЎЛИМ ВА БРИГАДАЛАРНИНГ, АГРОСАНОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ! Комплекс звенолар ва терим-транспорт отрядларининг ишини такомиллаштирингиз, Тошкент технологиясини, пахта теримида коллектив пудрат ва илғор методларни кенг жорий этингиз, ҳамма жойда кўпмингкилограммчилар ҳаракатини қўллаб-қувватлангиз! Техниканинг ва теримчиларнинг юксак унум билан сифатли ишлашини таъминлангиз, илғорларни маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг ҳамма формаларини омилкорлик билан қўшиб олиб борингиз, уларнинг ютуқларидан кенг фойдаланингиз, уларнинг тажрибасини оммалаштирингиз, шаҳарликларнинг ёрдамидан самарали фойдаланингиз, теримда зарбдорларча ишлаш учун уларга яхши маданий-маиший шароитлар яратингиз!

ЭРКАК ВА АЁЛ КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗЛАРНИНГ ЭРКАК ВА АЁЛ ИШЧИЛАРИ! Сизларнинг мислсиз меҳнатингиз билан мўл-кўл «оқ олтин» ҳосили етиштирилди. Уни териб олишда ҳам бутун кучингизни ишга солиб меҳнат қилингиз, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун, мавсумда камида 12—15 тонна пахта териш учун курашингиз. Теримнинг асосий оғирлиги сизларнинг зиммангизга тушади. Зеро, меҳнатингизнинг пировард натижаси теримда аниқланади, бу эса фаровонлигимизни, бутун халқнинг равнақини янада ўстириш негизидир!

ШАВКАТЛИ ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ, ҚИШЛОҚ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ! Ватан сизларга ажойиб техникани ишониб топширган. Сизлар шу техникани мукаммал эгаллаб олиб, чинакам дала баҳодирлари бўлиб қолдингиз. Бу йилги терим мавсуми сизларнинг алоҳида масъулиятингиз ва уюшқоқлигингизни, ҳосилни ҳеч нобуд қилмай, янги давлат стандарти талабларига мувофиқ юқори сифатли қилиб териб олишда маҳорат кўрсатишингизни талаб қилади. «Зангори кемалар»ни икки сменада ишлатиш, бутун терим техникаси комплексини уюшқоқлик билан ишлатиш йўли билангина терим суръатларини кескин кўтариш, барча бригадалар, хўжаликлар, районларнинг машина терими юзасидан олган мажбуриятларини бажариш мумкин. Бу эса сизларнинг пахта етиштиришдаги етакчилик ролингизни яна бир бор тасдиқлайди.

ШАҲАРЛАРНИНГ ВА ИШЧИ ПОСЕЛКАЛАРИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ, СТУДЕНТ ВА ЎҚУВЧИ ЁШЛАР! Бизнинг республикамиздаги колхозчи ва ишчи, инженер ва ўқитувчи, ёзувчи ва олим, хизматчи ва студент, мактаб ўқувчиси ва уй бекаси—ҳамма пахтакордир. Республикамизда Ўроқ ва Болғанинг мустаҳкам иттифоқи солномасига кўпдан-кўп мароқли саҳифалар ёзилган. Бугун ҳам пахтазор — деҳқонларнинг содиқ ва ишончли дўстларига, асосий касбидан қатъий назар, ҳақиқий пахтакор бўлган сизларга мунтазир.

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИНИНГ ХОДИМЛАРИ! Пахтани қабул қилиш, қуритиш, тозалаш, асраш ва қайта ишлашни кун сайин яхшилангиз, пахта конвейерининг кечаю кундуз ишлашини таъминлангиз, пахтани қайта ишлашга тайёрлашнинг илғор методларини жорий қилингиз. Пахтадан кўпроқ тола ажратишга ва фақат аъло сифатли маҳсулот олишга эришингиз. Сизларнинг Озиқ-овқат программасини ҳал этишга, саноатни юқори сифатли хом ашё билан таъминлашга қўшадиган ҳиссангиз мана шундан иборат бўлади!

Азиз дўстлар!

Биз ҳаммамиз қалб амри билан пахтакормиз. Бас, шундай экан, ҳар биримиз теримчилар сафига ўтайлик. Бурч ва виждон ҳеч кимнинг асосий ишимиздан — мўл ҳосилни сўнгги мисқолигача териб олишдан четда қолишига йўл қўймайди. Инсон меҳнатда, фақат меҳнатда улуғланади, деб халқимиз бежиз айтмаган.

Шу ҳал қилувчи кунларда ҳеч ким «оқ олтин» теримида қатнашишдан ўзини четга олмаслиги керак. Тайёрга айёрлик ғайри ахлоқий ва зарарлидир: бу бизга ярашмайдиган кайфиятдир. Ҳозир Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир киши республикада, мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга шахсан дахлдор эканини равшан англаб олиши, бутун куч-қувватини сарфлаб меҳнат қилиши айниқса муҳимдир.

Пахтазор жипсликка, куч-ғайратларни бирлаштиришга, темир интизомли бўлишга даъват этмоқда. Юрий Владимирович Андроповнинг социалистик меҳнат интизоми ва тартибни мустаҳкамлаш ҳақидаги, бунинг пировард натижага жуда катта таъсир ўтказиши тўғрисидаги кўрсатмаси республика пахтазорида алоҳида салмоқ ва чуқур маъно касб этади. Интизом, тартиб, уюшқоқлик, юксак унумдорлик бутун пахта конвейеримизда ўзгармас қоида бўлиб қолиши керак!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари бу йилги «оқ олтин»ни тезроқ ва ҳеч нобуд қилмай териб олиш учун куч ва ғайратларини аямайдилар, Улуғ Октябрнинг 66 йиллиги нишонланадиган йил — 1983 йилнинг 6 миллионли пахта хирмони учун жангда жасорат ва шижоат кўрсатадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар. Сўнгги мисқолигача териб олинган ҳосил—бизнинг севикли Ватанимизга энг яхши совғамиз бўлади, Ўзбекистон меҳнаткашларига ҳамиша хос фазилат бўлиб келган ваъдага вафодорликнинг далили бўлади.

Шу кунларда пахтазор—жасорат майдонидир.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

# 2.000.000 ТОННА ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ ТАЙЁР

# СССР ВА ГФР ОЛИМЛАРИНИНГ «ПОЛИМЕРДАГИ МОЛЕКУЛЯР ВА ПЕРМОЛЕКУЛЯР ТАРТИБ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАБ ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН СИМПОЗИУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Янги материалларни яратиш ва улардан фойдаланиш XX аср иккинчи ярми техник тараққиётининг ўзига хос энг муҳим ҳусусиятларидан биридир. Булар орасида полимерлар жуда муҳим ўрин тутади. Саноат, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида медицина ва турмушда полимер моддаларнинг кенг кўламда ишлатилиши бундай моддаларни синтез қилиш, хоссаларини тадқиқ этиш ва қўлланиш соҳаларини кенгайтириш билан банд бўлган олимларнинг уларга тобора қизиқиб қарашларига сабаб бўлмоқда.

Меҳнат унумдорлигини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва кишиларнинг соғлиғини сақлаш ишларини яхшилаш каби кўпгина муҳим техник, иқтисодий, социал вазифаларни ҳал этиш шу соҳадаги фанни янада ривожлантириш билан боғланган. Шунинг учун ҳам бизнинг Совет Иттифоқида СССР Фанлар академияси, республика академиялари системасида, олий ўқув юртларида, саноат, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш турли соҳалари тармоқ институтлари ва лабораторияларида полимер моддалар фанини ривожлантиришга ниҳоятда жиддий эътибор берилмоқда.

Биз полимерлар фани соҳасида ишлаётган ГФР, олимларининг самарали меҳнатларига юксак баҳо берамиз ва СССР—ГФР олимларининг биргалашиб ўтказаётган биринчи симпозиуми ҳар икки мамлакат олимларининг ҳозирги замон химия фанининг шу актуал соҳасидаги анъанавий илмий алоқаларини ривожлантириш ишига хизмат қилишига аминмиз.

Ер юзида тинчлик сақланиб, ядро уруши хавфининг олди олинганидагина илм-фан ютуқларидан кишиларнинг фаровонлиги йўлида кенг кўламда фойдаланиш мумкин бўлади. Бутун дунё олимлари сингари мамлакатларимизнинг олимлари ҳам планетамизда тинчликни сақлаш ишига салмоқли ҳисса қўшишларига ишонамиз.

Симпозиум қатнашчилари муваффақиятли ишлашларини тилашга ва симпозиум СССР билан ГФР олимлари ўртасидаги илмий алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ҳамда бутун башариятнинг фаровонлиги йўлида полимерлар фанини янада тараққий эттиришга кўмак беради, деб ишонч билдиришга руҳсат этгайсиз.

**А. П. АЛЕКСАНДРОВ,**
**СССР Фанлар академиясининг президенти.**

*СЎЗ—МУСОБАҚАДОШ МЕХАНИЗАТОРЛАРГА*

# МАШИНА ТЕРИМИ—ХИРМОН УНУМИ

**КОММУНИСТИК районидаги «Политотдел» колхозининг механик-ҳайдовчилари Абдушукур ҚУРМАШЕВ ва Баҳодир МАНАСОВЛАР мана ўн йилдирки, йиғим-терим мавсумида «зангори кема» штурвалини бошқариб келишмоқда. Ўтган йили А. Қурмашев 120 тоннадан ортиқ, Б. Манасов эса 207 тонна пахта терган эди. Ўзаро мусобақа асосида иш юритаётган «пўлат от» суворийларининг ҳар бири бу йил хирмонга 180 тоннадан «оқ олтин» тўкишга аҳд қилишган. Меҳнатни тўғри ташкил этиб, графикка қатъий амал қилаётганликлари учун ХВ-1,8 ва ХНП-1,8 маркали, икки қаторли терим машиналарида кунига 8—10 тоннадан пахта теришяпти. Уларнинг ҳар бири шу кунгача 150 тоннага яқин хирмон уйишди.**

**Қуйида бу икки механик-ҳайдовчининг иш тажрибалари билан танишасиз.**

## ДАҚИҚАЛАР ҚАДРИ

**А. ҚУРМАШЕВ,**
**механик-ҳайдовчи**

— Абдураззоқ ҚУРМАШЕВ етакчилик қилаётган бригадамиз коллективи бу йил 50 центнерлик марра учун курашяпти. Мусобақадошим Баҳодир Манасов билан чигит экилгандан то ҳосил йиғим-терими тугагунича мана шу бригадада трактор рулини бошқарамиз.

Шу кунларда бажараётган ишларимиз хусусида гап кетганда 82 гектарлик пахта майдонимизнинг бир-биридан 500—1000 метргача узоқликда жойлашган 5 та картадан иборат эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу эса беихтиёр ишимизда тез-тез узилишлар пайдо бўлишига олиб келади. Биз ана шундай узилишларни иложи борича қисқа фурсат давом этишини таъминлаш чораларини кўряпмиз. Бунинг учун биринчи навбатда карталарни бир-бири билан боғловчи йўлларни тартибга келтириб қўйганмиз. Улар текис, асосийлари асфальтланган. Иккинчидан эса, пахтаси яхши очилган карталар аввалдан аниқланиб, планли равишда ҳар куни машиналар шу жойларга ташланади. Техник хизмат кўрсатувчи, ёнилғи, иссиқ овқат ва чой билан таъминловчи ўртоқлар ҳам бизни қай вақтда, қайси жойда бўлишимизни олдиндан билишади. Картама-карта бир-биримизни қидириб, вақт кетказиш ҳолларига йўл қўйилмайди.

**Ҳар куни тонгги шабнам кўтарилиши билан иш бошлаймиз. Машина рулига ўтиришдан олдин унинг ишловчи механизмларини бир бор кўздан кечириб, айрим созланиши лозим бўлганларини тўғрилаб оламиз.** Шу тариқа кундузги соат биргача пахта терамиз.

Туш пайтида эса яна бир бор машинамизни кўздан кечирамиз, шпинделларини тозалаймиз. Машиналаримизга пўлат спиралли шпинделлар қўйилганлиги айни муддао бўлган. Чунки бу шпинделлар куни билан икки-уч марта тозаланса кифоя қилади.

Булардан ташқари, ана шу дам олиш пайтида Матқул Юсупов бошлиқ кўчма устахонамиз ҳам биздан хабар олади.

Бригадамизда йиғим-терим ипатоволиклар усулида ташкил этилган. Алимуса Ҳатамов ва Бахтиёр Пирматовлар бошқараётган икки транспорт тракторига 10 та прицеп биркитиб қўйилган. Улар терилган пахтани пешма-пеш қабул пунктига етказиб туришибди.

Куз об-ҳавоси беқарордир. Айниқса, ўтган йилнинг куз фасли бизга катта сабоқ берган. Шунинг учун ҳам об-ҳавонинг ҳозирги қулай кунларидан унумли фойдаланиб, йил бўйи тўкилган пешона теримиз эвазига етиштирилган мўл ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишимиз даркор.

## ҒАМХЎРЛИККА ЖАВОБАН

**Б. МАНАСОВ,**
**механик-ҳайдовчи**

— ПАХТАКОРЛАР учун қизғин палла — ғалвир сувдан кўтариладиган давр бошланди. Бу пайтда ҳамманинг фикри-зикри ҳосил йиғим-теримига қаратилган бўлиши лозим. Теримчилар, транспорт воситаларини бошқарувчилар, хуллас, ҳамма-ҳамма ўзига юклатилган вазифани бирон дақиқа ҳам кечиктирмай бажариши керак. Акс ҳолда бир кишининг оз бўлса-да масъулиятсизлиги катта-катта узилишларга сабаб бўлиши мумкин.

Мусобақадошим таъкидлаганидек, ҳозир биз эрта тонгдан то ярим кечагача даладамиз. Дўстимда уч, менда эса ўн бир фарзанд бор. Турмуш ўртоқларимиз ҳам колхозда ишлашади. Энди ўз-ўзидан, сизларнинг оила ташвиши билан шуғулланишга қачон вақтингиз бўлади, деган савол туғилади.

Хўжалигимизда йиғим-теримга тайёргарлик кўрилиши давомида масаланинг бундай нозик томонларига ҳам алоҳида эътибор берилди. **Ташкилий равишда колхозчиларнинг хонадонларига пиёз, картошка, сабзи каби турли озиқ-овқат маҳсулотлари етарлича тарқатилди. Бунинг учун махсус кишилар, транспорт ажратилди. Шунингдек, дала шийпонига, бевосита иш жойимизнинг ўзига кўчма магазинларнинг график асосида келиши йўлга қўйилган. Биз кундалик эҳтиёж учун молларни ана шу ернинг ўзида харид қилиб оламиз. Булардан ташқари, хўжалигимизда механизаторлар икки маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланади.**

Колхозимизда биз механик-ҳайдовчиларнинг моддий манфаатдорлигимизни ошириш ишларига ҳам жиддий эътибор бериляпти. Биринчи теримдаги бир тонна пахта учун 4 сўм, иккинчисида 6 сўм, учинчисида эса 10 сўмдан ҳақ олишимиз белгиланган. Мавсум охиригача 100 тоннадан ортиқ сифатли пахта терган киши эса ҳар бир тонна «оқ олтин» учун бир сўмдан қўшимча ҳақ олади. Шунингдек, машиналарни юксак унум билан ишлатиб, уларнинг ҳар бирида 100 тоннадан пахта терилишини таъминлаган мутасадди ўртоқлар ҳам бир ойлик иш ҳақи миқдорида мукофот олишади. Албатта, бундай тадбирнинг қўлланилиши теримда юксак унум бўлишини таъминлаяпти.

Хўжалигимизда участкалар, бригадалар ва механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. У ҳар беш кунда якунланиб, ғолиблар кўчма Қизил байроқ, кўчма вимпеллар, пул ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиб борилаяпти. Шунингдек, уларни шарафлаб шон-шуҳрат байроқлари кўтарилмоқда. Колхоз радиосида, «Чақмоқ»да илғорларнинг номлари ҳурмат билан тилга олинмоқда.

Бизлар учун кўрсатилаётган бундай ғамхўрликларга жавобан мусобақадошим А. Қурмашев билан зиммадаги юксак мажбуриятимизни тез кунларда уддалашга бор куч ва имкониятимизни сарфлайверамиз.



**● Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхознинг Т. Эргашев бошлиқ бригадаси пахтакорлари мавжуд 127 гектар ердан 45 центнердан ҳосил олиш учун астойдил курашишяпти. Бригада коллективининг бу юксак маррасига механик-ҳайдовчи Т. Туёқбоев «зангори кема» бункеридан 150 тонна «оқ олтин» тўкиб, муносиб улуш қўшишга ҳаракат қиляпти.**

**Суратда: (чапдан) бригада бошлиғи Т. Эргашев ва механик-ҳайдовчи Т. Туёқбоевлар пахтазорда.**

**А. Мальцев** фотоси.

## ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

# ЯДРОВИЙ ФАЛОКАТНИНГ ОЛДИ ОЛИНСИН

**Дунёдаги ахборот агентликлари, энг катта газеталар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг баёнотини бениҳоя муҳим ҳужжат сифатида тўла-тўкис эълон қилмоқдалар ёки батафсил баён этиб бермоқдалар, баёнот радио ва телевидение орқали ўқиб эшиттирилмоқда.**

Ю. В. Андропов баёнотининг ҳар бир сатри жаҳон тараққиёти ҳозирги фавқулодда хатарли паллага кирганлиги муносабати билан ташвишланиш ва инсониятнинг тақдири учун чуқур масъулият туйғусини ифодалайди, деб ёзади Венгрияда чиқадиган **«Непсабадшаг»** газетаси. Ядровий фалокатнинг олдини олиш — замонамизнинг энг муҳим масаласидир. Ю. В. Андропов ҳозирги АҚШ маъмуриятининг урушқоқлилик йўлини фош қилиб ташлади, бу йўлнинг моҳияти бошқа давлатлар ва халқларнинг манфаатларини писанд қилмай, АҚШнинг дунёда ҳукмронлик позициясини таъминлаб олишга уринишдан иборат эканини кўрсатиб берди. АҚШнинг ҳарбий потенциали мислсиз оширилаётганлиги, АҚШ территориясидан минглаб километр наридаги Америка қуролли кучлари кўпайтирилаётганлиги, НАТОдаги бошқа мамлакатлар Вашингтоннинг хатарли режаларини амалга оширишга жалб этилаётганлиги ва япон милитаризмини қайта тиклаш учун зўр бериб ҳаракат қилинаётганлиги айни шу мақсадларни кўзлайди.

Ю. В. Андроповнинг баёноти инсониятнинг тинч турмушга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилувчи актуал ва ғоят муҳим ҳужжатидир, деб таъкидлайди Монголиядаги **«Унэн»** газетаси. Унда АҚШнинг ҳозирги маъмурияти халқаро ишларда ўтказаётган йўлга принципиал баҳо берилган, бу йўлнинг тинчлик иши учун ҳалокатли эканлиги фош этилган. Совет раҳбари Вашингтон ҳукмдорларининг империячилик даъволарини қоралабгина қолмай, шу билан бирга инсониятни ҳозирги мураккаб халқаро шароитда ядровий фалокатдан омон асрашнинг реал йўлларини жуда очиқ-равшан кўрсатиб ҳам берди.

«Кўкатпарварлар» партиясидан ГФР бундестагига сайланган депутатлар совет раҳбарининг янги баёнотини табриклайдилар, бу баёнот СССРнинг ўртача олисликка учириладиган ўз ракета-ядро воситаларини НАТОнинг ихтиёрида бўлганидан битта ҳам ортиқча ракетага, битта ҳам ортиқча самолётга эга бўлмайдиган тарзда қисқартиришга тайёрлигини тасдиқлайди, деб ёзади «кўкатпарварлар» партиясининг органи **«Грюнен»** ҳафтаномаси.

Совет Иттифоқи, деб таъкидлайди Швейцарияда чиқадиган **«Журналь де Женев»** газетаси, Вашингтон маъмуриятининг сиёсатини инсон зотига нафрат билан қарайдиган хатарли сиёсат деб атади. У АҚШнинг Европадаги ядро қуролларини қисқартиришга доир Совет-Америка музокараларидаги «эпчил» деб аталган янги юришини номақбул бир нарса, деб рад этди. Вашингтон маъмурияти, деб уқтирди совет раҳбари, Женева музокараларида вақтни чўзиб, сўнгра Ғарбий Европада «Першинг-2» баллистик ракеталарини ва катта олисликка учириладиган қанотли ракеталарни жойлаштириб олиш мақсадини кўзлайди.

Сурияда ҳукмрон Араб социалистик уйғониш партиясининг марказий органи **«Ал-Баас»** газетасининг уқтириб ёзишича, Оқ уй Американинг ўзга мамлакатлардаги қуролли кучларини кўпайтираётганлиги учун ва Вашингтоннинг зўравонлигини рад этаётган бошқа мустақил давлатларнинг ички ишларига қуролли куч ёрдамида бевосита аралашиш учун АҚШ чегарасидан анча нарида ўзига қулай майдонлар вужудга келтираётганлиги учун совет раҳбари уни кескин қоралади.

Деҳлидаги **«Тайме оф Индиа»** газетаси бундай деб ёзади: Ю. В. Андропов Вашингтоннинг энг оддий ахлоқ-одоб қоидаларини қўпол равишда бузаётганлигини, давлат арбобларига ва давлатларгагина эмас, ҳатто БМТга ҳам ҳурматсизлик қилаётганлигини кескин танқид қилди. Шу муносабат билан у тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриши лозим бўлган БМТ шу ташкилотнинг яхши номини ҳақорат қилаётган мамлакатда туриши мумкинми? — деган саволни ўртага қўйди.

СССР тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун, кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш учун, давлатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун курашнинг олдинги сафида бормоқда, деб таъкидлайди Кипрда чиқадиган **«Харавги»** газетаси. СССРнинг бутун фикри-зикри ва муддаолари халқаро вазиятда яхшилик сари ҳал қилувчи бурилиш бўлишига эришишга қаратилган. Совет Иттифоқи ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун бундан буён ҳам имкон бўлган ҳамма ишни қилаверади.

(ТАСС).

# ҒОЛИБЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

**(Боши биринчи бетда).**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

**Қорақалпоғистон АССР.** Бу автоном республика пахта тайёрлаш планини 32,97 процент, шу жумладан машина терими планини 14,23 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг 11,84 процент ўсишини таъминлаган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Тошкент областининг Бўка райони.** Бу район пахта тайёрлаш планини 41,87 процент, шу жумладан машина терими планини 34,66 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг 20,22 процент ўсишини таъминлаган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Тошкент областининг Пискент райони.** Бу район пахта тайёрлаш планини 36,15 процент, шу жумладан машина терими планини 23,71 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг 19,88 процент ўсишини таъминлаган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Жиззах областининг Кўрпиқ Октябрь райони.** Бу район пахта тайёрлаш планини 20,58 процент, шу жумладан машина терими планини 22,84 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг 14,04 процент ўсишини таъминлаган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Сурхондарё областининг Ангор райони.** Бу район пахта тайёрлаш планини 37,92 процент, шу жумладан машина терими планини 15,30 процент бажарган ва ингичка толали пахтани ҳам ҳисобга олган ҳолда беш кунликда пахта тайёрлашнинг 13,16 процент ўсишини таъминлаган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Қорақалпоғистон АССР, Ленинобод районидаги Свердлов номли совхоз.** Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 29,65 процент, шу жумладан машина терими планини 47 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг 24,61 процент ўсишини таъминлаган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Жиззах область, Октябрь районидаги С. Раҳимов номли қўриқ совхоз.** Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 29,65 процент, шу жумладан машина терими планини 34,66 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг 25,40 процент ўсишини таъминлаган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Тошкент область Бўка районидаги «Коммунизм» колхози.** Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 52,34 процент, шу жумладан машина терими планини 56,29 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг 34,83 процент ўсишини таъминлаган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган.

* * *

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети пахта йиғим-теримини уюштириш ва давлатга пахта сотиш юзасидан районлар, колхозлар, совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1983 йил 1 октябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

**Оққўрғон районига** (район партия комитетининг секретари Мақсумов, район ижроия комитетининг раиси Қосимов, РАПО советининг раиси Усмонов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Ким, район комсомол комитетининг секретари Абдуллаев, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси Набиев ўртоқлар). Бу районда давлатга пахта сотиш йиллик плани 37,96 процент, шу жумладан машина терими плани 33,26 процент бажарилган. Сентябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга йиллик планнинг 18,19 проценти миқдорида пахта топширилган, шу жумладан машина терими йиллик планга нисбатан 19,64 процент бўлган.

Байроқ Бўка районидан олиб берилади.

**Пискент районидаги «КПСС XXVI съезди» совхозига** (директори Дўсбеков, партия ташкилотининг секретари Турганбеков, касаба союз комитетининг раиси Сотиболдиев, комсомол ташкилотининг секретари Маҳмудова ўртоқлар). Бу совхозда давлатга пахта сотиш йиллик плани 36,28 процент, шу жумладан машина терими плани 28,02 процент бажарилган. Сентябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга йиллик планнинг 24,67 проценти миқдорида пахта топширилган, шу жумладан машина терими йиллик планнинг 26,33 проценти миқдорида бўлган.

Байроқ Бекобод районидаги «Ленинград» совхозидан олиб берилади.

**Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозига** (раиси Пўлатов, партия ташкилотининг секретари Зоитов, касаба союз комитетининг раиси Ғуломов, комсомол ташкилотининг секретари Очилов ўртоқлар). Бу колхозда давлатга пахта сотиш йиллик плани 48,63 процент, шу жумладан машина терими плани 50,98 процент бажарилган. Сентябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга йиллик планнинг 31,99 проценти миқдорида пахта топширилган, шу жумладан машина терими йиллик планга нисбатан 34,59 процент бўлган.

Байроқ Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозидан олиб берилади.

**Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозига** (раиси Қодиров, партия ташкилотининг секретари Абдураҳмонов, касаба союз комитетининг раиси Раимқулов, комсомол ташкилотининг секретари Ўрозбеков ўртоқлар). Бу колхозда давлатга пахта сотиш йиллик плани 44,81 процент, шу жумладан машина терими плани 46,04 процент бажарилган. Сентябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга йиллик планнинг 29,29 проценти миқдорида пахта топширилган, шу жумладан машина терими йиллик планга нисбатан 31,46 процент бўлган.

Байроқ Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоздан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Оққўрғон районига, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозига, Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозига, Пискент районидаги «КПСС XXVI съезди» совхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

* * *

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети каноп ўрим-йиғимини уюштириш ва давлатга каноп топшириш юзасидан районлар, колхозлар, совхозлар, луб заводлари ва луб тайёрлов пунктлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1983 йил 1 октябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўстонлиқ районида** қолдирилди (район партия комитетининг секретари Хайдуров, район ижроия комитетининг раиси Айдарқулов, РАПО советининг раиси Саидкаримов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Эшметов, район комсомол комитетининг секретари Оқилов ўртоқлар). Бу районда давлатга каноп сотиш йиллик плани 94,9 процент бажарилган, сентябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга йиллик планнинг 14,9 проценти миқдорида каноп топширилган.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

**Янгийўл районидаги Ленин номли колхозга** (раиси Авазов, партия ташкилотининг секретари Абдукаримов, касаба союз комитетининг раиси Тожибоев, комсомол ташкилотининг секретари Ҳидиров ўртоқлар). Бу колхозда давлатга каноп сотиш йиллик плани 103,2 процент бажарилган, сентябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга йиллик планнинг 16,9 проценти миқдорида каноп топширилган.

Байроқ Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозидан олиб берилади.

**Коммунистик районидаги Жумабозор луб заводига** (директори Ботаев, партия ташкилотининг секретари Истаев, касаба союз комитетининг раиси Раимов, комсомол ташкилотининг секретари Елибоева ўртоқлар). Бу заводда каноп қабул қилиш йиллик плани 97,8 процент бажарилган, сентябрь ойининг олтинчи беш кунлигида йиллик планнинг 12,2 проценти миқдорида каноп қабул қилинган.

Байроқ Коммунистик районидаги Янгибозор луб заводидан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Бўстонлиқ районига, Янгийўл районидаги Ленин номли колхозга, Коммунистик районидаги Жумабозор луб заводига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР БЎЙИЧА ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ АХБОРОТИ

1983 йил 2 октябрда 108-Киров сайлов округи (Янгийўл шаҳри), 226-Қатортол сайлов округи (Калинин районы) бўйича халқ депутатлари Тошкент область Советига сайловлар бўлиб ўтди.

Иккала сайлов округи бўйича ҳаммаси бўлиб сайловчилар рўйхатига 4197 сайловчи киритилган эди. Улар овоз беришда тўла қатнашдилар ва халқ депутатлари область Советига депутатлигига кўрсатилган номзодлар учун 100 процент овоз бердилар.

108-Киров сайлов округидан Янгийўл нон заводининг ишчиси Азизова Ольга Юрьевна, 226-Қатортол сайлов округидан область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Аппазов Февзи Аппазович область Советига депутат қилиб сайландилар.

# МЕДИКЛАР ДАЛАГА ОТЛАНИШДИ

1983 йил мўл ҳосили йиғим-теримида қатнашишга қизғин ҳозирлик кўрган Тошкент шаҳри ташкилот ва муассасалари орасида Собир Раҳимов районининг 32-поликлиникаси коллективи ҳам бор. Бу ерда тузилган етти врач, икки стоматолог ва етти ҳамширадан иборат медиклар бригадаси Сирдарё областининг «Оқ олтин» районига жўнаб кетишга шай турибди. Бригада аъзолари райондаги 4, 10, 10 а, 17, 18 ва 19-совхозларда бўлиб, дала меҳнаткашлари ҳамда шаҳарлик ҳашарчиларга медицина хизмати кўрсатишади.

— Бригадамизга энг замонавий медицина ускуналари билан жиҳозланган еттита «тез ёрдам» машинаси ажратиб берилган, — дейди поликлиника бош врачи Неъмат Рафиев. — Шунингдек, улар барча турдаги дори-дармонлар билан таъминланишган.

Ҳар йили йиғим-терим мавсумида пахтакорлар ҳузурида бўлишни ўзларининг бурчлари ҳисоблаб келаётган Ботир Тошпўлатов, Шавкат Тўлаганов, Ғайрат Ғофуров, Абдулҳамид ва Абдурасул Розиқовлар каби врачлар, Олия Ғуломова ҳамда Светлана Разина сингари ҳамширалар ишни икки сменада ташкил этиш билан бирга дала меҳнаткашлари, ҳашарчилар ўртасида санитария-гигиена қоидаларига оид юздан ортиқ лекция ва суҳбатлар ўтказишади. Профилактик тадбирлар амалга оширилади.

Булардан ташқари, йиғим-терим мавсумида таниқли фан докторлари, олимларнинг тез-тез пахтакорлар ҳузурида чиқишлари ташкил этилиб, уларнинг турли касалликларни даволашга оид қимматли маслаҳатлари олинади.

**Қ. КАРИМОВ.**

### АҚШ ЖАМОАТЧИЛИГИ НОРОЗИЛИК БИЛДИРМОҚДА

● САН-ФРАНЦИСКО, 3 октябрь. (ТАСС). Бу ерда Рейган маъмуриятининг телбаларча қуролланиш пойгаси сиёсатига қарши чиқаётган бир қанча жамоат ташкилотларининг ташаббуси билан намойиш ўтказилди. Намойишга «Першинг» ва қанотли ракеталар йўли тўсилсин!», «Бизга бомба эмас, балки тинчлик ва нон керак!» деган сўзлар шиор қилиб олинганди. Намойиш қатнашчилари АҚШ жамоатчилигини Пентагон ва НАТО блокининг Ғарбий Европада Американинг янги ядро ракеталарини жойлаштириш хатарли режаларига қарши кампаниясини янада кучайтиришга даъват этдилар. Улар шу режаларни амалга ошириш Европа халқларини Қўшма Штатлар бандиларига айлантиради ва ядро уруши хавфини ғоятда кескинлаштириб юборади дедилар.

### ПОКИСТОНДАГИ ҒАЛАЁНЛАР

● ДЕҲЛИ, 3 октябрь. (ТАСС). Покистоннинг маъмурият маҳаллий бошқариш органларига сайлов ўтказаётган Синд вилоятида Зиёул Ҳақ ҳарбий режимининг муҳолифлари билан полиция қуролли отрядлари ўртасида қаттиқ тўқнашув юз берди. Полиция ва армия соқчилари маъмурлар уюштирган сайлов маш-машасига норозилик билдирган ва аҳолига сиёсий ҳуқуқ ва граждан эркинликлари берилишини талаб қилган намойишчиларга қарата неча бор ўқ узди. Чет эл информация агентликларининг хабарларига кўра, тўқнашувлар чоғида 16 киши ўлдирилган, ўнлаб киши жароҳатланган.

Маъмурларнинг очиқдан-очиқ дўқ қилишларига қарамай, аҳолининг кўпчилиги сайловда қатнашишдан бош тортди. Режим таъқиқлаган оппозициядаги партияларнинг вакиллари сайловда қатнашишдан четлаштирилганди.



**ЛИВАНДА** ўт очиш тўхтатилиши тўғрисида битимга келишилганига қарамай АҚШ бу мамлакат ички ишларига ҳарбий аралашувни тўхтатмаяпти. Ливан соҳилларида Американинг кўпгина ҳарбий кемалари тўпланмоқда. Суратда: «Виржиния» атом ракета крейсери томонидан бундан бироз илгари Ливан территориясига ана шундай снарядлар ёғдирилган эди.

**АП—ТАСС телефотоси.**

